

Кексалар ҳафталиги доирасида турли тадбирлар бўлиб ўтмоқда



Кекса авлод вакиллари қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий фаолликларини ошириш мақсадида «Кексаларни эъзозлаш, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш – халқимизга хос эзгу фазилат» деган ғоя остида «Кексалар ҳафталиги» тадбирлари ўтказилмоқда.

Ҳафталик доирасида туманнинг барча маҳаллаларида нуронийлар иштирокида маданий-маърифий тадбирлар ва турли спорт мусобақалари ўтказилмоқда. Шунингдек, улар иштирокида танловлар, хайрия тадбирлари, жумладан, нуроний ва ёшлар учрашувлари ҳам ташкил этилмоқда.

«Кексалар ҳафталиги» давомида пенционер, яқка ва ёлғиз яшовчи кексалар ҳолидан хабар олиниб, уларнинг уй-жой, маиший муаммолари ҳал қилиниб, озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш чоралари кўрилмоқда.